

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06. 2017.Tib.30.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА  
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**УСМОНОВ ИСОМИДДИН ҲАЙДАРОВИЧ**

**СИЛ СПОНДИЛИТЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ, ЖАРРОҲЛИК УСЛУБЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.26 - Фтизиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Усмонов Исомиддин Ҳайдарович**

Сил спондилитларини даволашда замонавий  
технологияларни қўллаб, жарроҳлик услубларини ишлаб  
чиқиш.....3

**Усмонов Исомиддин Ҳайдарович**

Разработка методов хирургического лечения  
при туберкулёзных спондилитах с использованием  
современных технологий.....31

**Usmonov Isomiddin Khaydarovich**

Development of surgical treatment  
methods for tuberculosis spondylitis  
with the use of modern technologies.....61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....65

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06. 2017.Tib.30.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА  
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**УСМОНОВ ИСОМИДДИН ҲАЙДАРОВИЧ**

**СИЛ СПОНДИЛИТЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ, ЖАРРОҲЛИК УСЛУБЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.26 - Фтизиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib347 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Назиров Примкул Хужамович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мухтаров Давронбек Зухурович**

тиббиёт фанлари доктори

**Садиков Абдувахит**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шатурсунов Шаҳайдар Шаалиевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Санкт-Петербург фтизиопульмонология  
илмий-тадқиқот институти (РФ)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06. 2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунин соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунин тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сил спондилити – умуртқа поғонасининг сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб, сил микобактериясининг гематоген тарқалишидан келиб чиқади. 70% ҳолатларда бир вақтда умуртқанинг 2 та, 20% ҳолатларда эса - 3 ёки ундан ортиқ танасининг зарарланиши кузатилади. Сил спондилити – умуртқа поғонасининг яллиғланиш касалликлари орасида энг кўп учрайдиган касаллик тури ҳисобланади. Умуртқа сили суяк-бўғим сили таркибида 40 - 61,5% ни ташкил қилади. Ўпкадан ташқари аъзолар сили (ЎТАС) патогенезини ўрганиш шуни кўрсатдики, жараённинг латент даврининг узок давом этишидан 5-10 йил кейин касалланишнинг ошиши кутилмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, «...одам иммунтанқислик вирусини юқтирган кишилар сони 36,7 миллионни ташкил этиб, ОИВ инфекцияси мавжуд одамларда сил ривожланади ва одам иммунтанқислик вируси йўқ беморларга нисбатан ушбу кўрсаткич 20-37 марта юқори ...»<sup>1</sup>. Ташхислашнинг мураккаблиги шундаки, одам иммунтанқислик босқичида ривожланган сил, аксарият ҳолатларда ўпкадан ташқари аъзоларни жароҳатлаш хусусиятига эга, яъни тарқалган персистик лимфаденопатия кўринишида учришини ташхислаш ва самарали даволаш тизимини йўлга қўйиш соҳа олимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жарроҳлик услубларни ишлаб чиқишнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада сил касаллигининг келиб чиқишининг эндоген ва экзоген омиллари, умуртқа сили клиник кечишининг ўзига хослиги, ташхислаш ва даволаш тактикасини асослашдан иборат. Умуртқа сили клиник кечишининг ўзига хослиги, ташхислаш ва даволаш тактикасини баҳолаш, умуртқа силида бажариладиган традицион-классик қайта тикловчи жарроҳлик амалиётларнинг самарадорлигини таҳлил натижаларини асослашдан иборат. Сил спондилитида олдинги спондилит амалиёти ўтказишда титан тўрли имплантат қўллаш, касалланган соҳадан олинган биологик материалларни бактериологик текшириш, аутотрансплатат олишнинг кам жароҳатли-миниинвазив усулларини, умуртқа силида бажариладиган традицион-классик қайта тикловчи жарроҳлик амалиётларининг самарадорлигини таҳлил натижаларини баҳолаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш каби алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган кенг қамровли чора тадбирлар билан бир қаторда, сил касаллигининг эпидемиологик, ташхислаш ва даволаш йўллари яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги,

---

<sup>1</sup> Global AIDS Update, UNAIDS, 2016 (Объединенная Программа Организации Объединенных Наций по ВИЧ/СПИДу).

сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали сил спондилитларини эрта босқичларда ташхислаб, ногиронликка олиб келувчи асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 13 февралдаги «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4191-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жаррохлик услубларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Cape Town, (Жанубий Африка), Universidad Continental, (Перу), Bingham University, (Нигерия), Universidade Federal de Goiás, (Бразилия), Université Libre de Bruxelles, (Белгия), University (Зимбабве), Universidade de Pernambuco, (Бразилия), РТФА Сил марказий илмий текшириш институти, И.М. Сеченов номли Биринчи Москва Давлат Тиббиёт Университети, Қозон давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург фтизиопульмонология илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.uct.ac.za](http://www.uct.ac.za), [www.ucontinental.edu.pe](http://www.ucontinental.edu.pe), [www.binghamuni.edu.ng](http://www.binghamuni.edu.ng), [www.ufg.br](http://www.ufg.br), [www.ulb.ac.be](http://www.ulb.ac.be), [www.ub.bw](http://www.ub.bw), [www.uz.ac.zw](http://www.uz.ac.zw), [www.upe.br](http://www.upe.br), [www.fudan.edu.cn](http://www.fudan.edu.cn), [www.unsw.edu.au](http://www.unsw.edu.au) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди

пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жаррохлик услубларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: одам иммунтанқислиги вируси ва сил касаллиги билан оғриган беморларда ретровирусга қарши даволаш дори воситаларининг тизимли қўлланилиши натижасида мочевина ва креатиннинг кўтарилиши ва буйрак комасининг ривожланиши исботланган (University of California (АҚШ)); сил касаллиги билан хасталанган беморларни Beda Quiline билан даволаш самарадорлиги исботланган (University of Cape Town (Жанубий Африка)); сил касаллиги билан хасталанган беморларда биоимпекция маркерлари, яъни тана вазни, ёғларнинг миқдори, тана вазни индексининг ўзгариши Lipocalin-2 даражасининг пасайишига олиб келиши исботланган (Universidad Continental Перу, University of Ferrara (Италия)); сил билан зарарланишни камайтириш ва ўлим кўрсаткичини пасайтириш мақсадида ўз вақтида ташхислаш, сил спондилитларига қарши тизимини қўллаш самараси ишлаб чиқилган (University London (Буюк Британия)); сил касаллиги билан хасталанган беморларни даволаш самарадорлигини оширишда скрининг тизимининг аҳамияти юқорилиги асосланган (University of Botswana (Ботсвана)); сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жаррохлик услубларни ишлаб чиқилган (Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Ўзбекистон).

Дунёда сил спондилитини ташхислашда, даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жаррохлик услубларини ишлаб чиқиш борасида қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: умуртқа сили касаллигининг турли шакллариини замонавий нур диагностика ҳамда молекуляр-генетик бактериологик текширув услубларини қўллаб, ташхислаш тизимини такомиллаштириш; умуртқа поғонасида ўтказаладиган радикал-тикловчи амалиётларни миниинвазив-кам жароҳатли, тез тикланувчи услубларини яратиш; умуртқа антелоспондилодезида титан тўрли кейдж ва синтетик биоматериал оссеин-гидроксиапатит ( $\text{Ca}_{10}(\text{PO}_4)_6(\text{OH})_2$ ) бирикмасини биргаликда қўллаш услубларини ишлаб чиқиш; титан тўрли кейдж ва синтетик биоматериалларни ишлатишга кўрсатма тизимини ишлаб чиқиш ва бу тоифадаги беморларни эрта ва кечиккан даврда реабилитация қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умуртқа поғонаси яллиғланиш касалликларини хирургик даволаш ханузгача мураккаб муаммолардан бўлиб қолмоқда, кўп ҳолларда амалиётдан кейинги – умуртқа танасини резекция қилгандан кейин ҳосил бўладиган диастазаларини тўлдиришда пластик материалларни танлашда муаммолар мавжуд. Бунинг учун кўплаб биологик ва нобиологик пластик материаллар маълум. Аксарият ҳолларда умуртқа пластикаси учун эркин суяк ауто трансплантатлари ишлатилади. Аутосуяк олиш жараёни ҳам амалиёт вақтини узайтиради, қўшимча жаррохлик травмаси,

қон кетиш ва косметик дефектга олиб келади. 2-40% ҳолатда узоқ амалиётдан кейинги даврда резорбция, трансплантат синиши, битмаслиги, йиринглаш ҳолатлари кузатилади (Ветрилэ С.Т., Кулешов А.А., 2004; Гарбуз А.Е., Олейник В.В., 2001, 2004; Тиходеев С.А., Вишнеvский А.А., 2004, 2004; Гончаров М.Ю. ва ҳаммуаллифлар, 2005; Левашев Ю.Н., Репин Ю.М., 2006; Wen-Jer C. Et al., 2002; Shunmugan G., 2002). Умуртқа таналари резекциясидан кейин ҳосил бўлган диастазалар адекват усуллар билан спондилодез қилинганда ҳам, кўп ҳолларда умуртқа поғонасининг стабиллигига жавоб бера олмайди. Радикал-реконструктив амалиётлардан сўнг сил спондилитларида 5-30% ҳолатларда трансплантат резорбцияси натижасида трансплантат учларининг ҳаракатчан бўлиб қолишидан фиброз блок ҳосил бўлади. Трансплантат резорбцияси кўп ҳолларда умуртқа поғонасида кифотик деформациянинг кучайишига олиб келади (Корнилов Б.М., 2002). Трансплантатнинг қайта қурилиши ва битиб кетиши учун суяк тўқимасидаги маҳаллий ўзгаришлардан ташқари нохуш омиллардан бири статик зўриқиш бўлиб, бунда умуртқа деформацияси статик зўриқишни трансплантатга кучайтириб беради (Бакин М.Н., 2000; Мушкин А.Ю., 2000). А.White ва М.Pанжабларнинг экспериментал текширувлари натижасига кўра, вертикал зўриқишнинг трансплантатга пропорционал ошиши деформацияланган умуртқада кўпроқ бўлади. Шундай қилиб, деформацияни коррекция қилиш фақатгина косметик талабгина эмас, балки умуртқа реконструкция қилинган соҳада репаратив-адаптацион жараёнларни кучайтирувчи омил ҳам ҳисобланади.

Суяк-бўғим силени комплекс даволашнинг асосий усули радикал-тикловчи жарроҳлик амалиёти ҳисобланади. Суяклардаги дефект-етишмовчиликларни тўлдиришда аксарият ҳолларда эркин ёки қон томирли ауто трансплантат ва алло трансплантатлар ишлатилади. Бунда амалиётдан кейинги узоқлашган даврларда резорбция, трансплантат синиши, битмаслиги, йиринглаш ва яллиғланиш жараёнининг рецидив ҳолатлари 5% гача учрайди (Гарбуз А.Е., 1988; Олейник В.В., 2004; Назиров П.Х., 2006).

Шундай қилиб, умуртқа силени хирургик даволашда замонавий технологияларни қўллашнинг самарадорлиги юқори. Умуртқа поғонасининг фаол сили билан умуртқанинг олдинги қисми-таналарида металл конструкциялар билан спондилодез қилиш тўлалигича ўрганилмаган ва илмий изланишларга муҳтож. Умуртқанинг олдинги спондилодези амалиёт ўтказилган соҳанинг мустаҳкам фиксациясига, трансплантатга статик зўриқишнинг камайишига, қайта қурилиш ва суяк битишига қулай шароит яратилишига олиб келади, ҳамда жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар эрта муддатларда фаоллаштирилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тибийет маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТСС-19.1 «Ўпкадан ташқари аъзолар сили диагностикаси ва дифференциялашган терапиянинг янги усуллари» ишлаб



чиқиш» мавзуси доирасида (2015-2017 йй.) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жароҳлик услубларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умуртқа сили клиник кечишининг ўзига хослиги, ташхислаш ва даволаш тактикасини баҳолаш;

умуртқа силида бажариладиган традицион-классик қайта тикловчи жароҳлик амалиётларнинг самарадорлигини таҳлил натижаларини баҳолаш;

сил спондилитида олдинги спондилез амалиёти ўтказишда титан тўрли имплантат қўллаш усулларини (Pyramesh, depumesh) такомиллаштириш;

касалланган соҳадан олинган биологик материалларни бактериологик текшириш, аутотрансплатат олишнинг кам жароҳатли-миниинвазив усулларини яратиш;

умуртқа антелоспондилодезида титан тўрли кейдж ва синтетик биоматериал оссеин-гидроксиапатит бирикмасини ( $\text{Ca}_{10}(\text{PO}_4)_6(\text{OH})_2$ ) биргаликда қўллаш усулларини ишлаб чиқиш;

титан тўрли кейдж ва синтетик биоматериалларни ишлатишга кўрсатма алгоритм ишлаб чиқиш ва бу тоифадаги беморларда реабилитация чора-тадбирларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2012-2017 йиллар давомида Республика ихсослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббий марказида даволанаётган 276 нафар сил спондилитининг асоратланган тури билан ва 33 нафар сил бўлмаган умуртқа поғонасининг бошқа касалликлари билан хасталанган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида титан тўрли кейджни ва замонавий хирургик даво усулларини сил спондилитини даволашда қўллашнинг самарадорлигини илмий асосланган материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, бактериоскопик, бактериологик, цитогенетик, инструментал, аналитик ва статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор сил спондилитини жароҳлик усулида даволашда титан тўрли кейдж ва синтетик биоматериалларнинг қўлланилиши, классик жароҳлик амалиётидан кейинги кузатиладиган асоратларни олдини олиши исботланган;

илк бор сил спондилитида беморларнинг «донор» суякларидан аутотрансплантат олишнинг кам жароҳатли параллелепипед шаклида, кичик суяк бўлакчалари ва цилиндр шаклидаги фрезо орқали олиниб такомиллаштирилган;

илк бор суякларни репаратив ва антибактериал хусусиятини ошириш мақсадида оссеин-гидроксиапатит ҳамда бициллин-5 бирикмали имплантат ишлатилиши асосланган;

илк бор сил спондилитини ташхислашда сил микобактериясининг

дориларга сезгирлигини аниқлашда молекуляр–генетик ҳамда бактериологик услубларни бирга қўллаш касалликни радикал даволашни имкони бериши исботланган;

илк бор сил спондилити билан ушбу жаррохлик амалиёти ўтказилган беморларда реабилитация тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сил спондилитида замонавий титан тўрли кейджларни (Pyramesh, derumesh) қўллаганда хирургик даво самарадорлигининг ошганлиги исботланган;

оссеин гидроксиапатит бирикмасини ишлатиш спондилодез амалиёти ўтказилган соҳада репаратив жараёнларни кучайтирган;

аутоотрансплантат олишнинг миниинвазив усуллари жаррохлик травмаларини камайтирган, амалиётдан кейинги кечиккан оғриқларни ва неврологик бузилишларни камайтириши исботланган;

титан тўрли кейдж қўлланилганда умуртқанинг тўлиқ юк кўтариш қобилиятининг тикланиши, кифоскалийотик деформацияларни тўғриланиши ёки қийшиқликнинг камайиши, орқа мия фаолиятининг тикланиши, беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланиш имконияти таъминланган;

беморларни реабилитация қилиш чора – тадбирлари тавсия қилинган ва бунинг истиқболида умуртқа силининг асоратланган турларини комплекс даволашнинг самарадорлигининг ошган, ҳамда ногиронликнинг кескин камайишига олиб келган.

беморларнинг стационарда даволаниш куни 30 кунга (1 кунга 14\$\*30 кун=420\$, Республикада бир йилда 700 атрофида операция қилинган ва бунда мамлакат бюджетига 420\*700=294000\$ ёки 3 млрд. сўм иқтисод қилинган) қисқарган;

беморларнинг ногирон бўлиши камайган ва реабилитация даври қисқарган, бунинг оқибатида катта иқтисодий ва тиббий самарадорликка эришилиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморларнинг етарли даражада танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги бўлиб, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, бактериоскопик, бактериологик, цитогенетик, инструментал, аналитик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилган. Тадқиқотда турли хил текширув усулларининг қўлланилиши сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жаррохлик услубларни ишлаб чиқиш имконини берган, олинган натижалар ва хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сил спондилитини хирургик даволашда титан тўрли кейджни қўллаб, радикал-тикловчи амалиёт ўтказилгандан кейинги узоклашган даврда трансплантат резорбцияси ва кифотик деформациянинг ўсиши кузатилмайди, титан тўрли кейджни умуртқа силини

даволашда ишлатилиши катта ҳажмли суяк - аутотрансплантат ўрнини кичик суяк бўлакчалари ёки синтетик биоматериаллар (гидроксиапатит) ишлатилишига имкон яратди, бунинг оқибатида амалиёт ҳажми ва қўшимча жарроҳлик травмалари камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти радикал-тикловчи амалиёт ўтказилган умуртқада ва аутотрансплантат олинган “донор” соҳада сурункали оғриқ - 50% ҳолатгача, ҳатто узоклашган даврларда ҳам учрайди. Титан тўрли кейджни қўллаб, олдинги спондилодез амалиёти ўтказилганда умуртқа ностабилигидан келиб чиқувчи клиник белгилар давомли равишда йўқолади ва бу тоифадаги беморлар эрта фаоллаштирилади, умуртқа силени даволашда хирургик даво усулини танлаш, таклиф этилган алгоритм, замонавий метал конструкцияларнинг ва миниинвазив – кичик травмали аутосуяк олиш усуллариининг қўлланилиши жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни, ҳамда беморларнинг касалхонада бўлиш даврини қисқартириши ва ногиронликни камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жарроҳлик услубларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Умуртқа поғонасининг силдан зарарланишини даволашда титан тўрли кейджни қўллаб, такомиллаштирилган жарроҳлик услуби» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-з/166-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома титан тўрли кейджни қўллаш орқали, умуртқа поғонасининг сил билан зарарланганда хирургик даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

«Сил спондилитларини ташхислашдаги ва классик турдаги радикал-тикловчи амалиётларнинг натижаларини таҳлил қилиш йўналишлари» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-з/166-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли даволаш босқичларида сил спондилитини ташхислашда йўл қўйиладиган хато ва камчиликларни, классик турдаги радикал - тикловчи амалиётларда қўлланиладиган аутосуякли сондилодезлаш услубларининг камчиликларини ўрганиш ва бартараф этиш имконини берган;

«Умуртқа поғонаси силени даволашда замонавий технологияларни қўллаб ўтказилган радикал – тикловчи жарроҳлик амалиётларидан кейинги реабилитация услублари» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-з/166-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сил спондилитини даволашда замонавий технологияларни қўллаб ўтказилган радикал – тикловчи жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни реабилитация қилишда эрта ва узоклашган даврдаги самарали соғломлаштириш имконини берган;

сил спондилитларини даволашда замонавий технологияларни қўллаб, жарроҳлик услубларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар

соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Андижон, Тошкент, Жиззах, Навоий, Бухоро вилоятлари сил касалликлари диспансерлари клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-з/166-сон маълумотномаси). Натижада титан тўрли цилиндрсимон кейджни қўллаган ҳолда, хасталанган беморларни даволаш тизимини тўғри ташкиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 176 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб қилиниши исботланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шаклланган, тадқиқотнинг объект ва предмети тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожининг устувор йўналишидаги мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий самаралари баён қилинган, иш самарасининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, нашр қилинган ишлар ва диссертация структураси бўйича тадқиқот самараларини амалиётга татбиқ қилиш маълумотлари берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «Сил спондилитининг замонавий ҳолати» тўғрисида чуқур тўхталиб ўтилган ва таҳлил қилинган, сил спондилитини хирургик даволашда мавжуд бўлган илмий маълумотлар бирлаштирилган ва тизимга солинган. Муаммога тегишли бўлган чет эл ва ватанимиз олимларининг адабиётлари ўрганилган, келажакда ечимини топишга зарурият юқори бўлган долзарб саволлар, ҳамда диагностика ва даволаш усулларининг замонавий ҳолатига тўхталиб ўтилган. Таҳлилдан олинган хулосаларга асосланиб, илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник таснифи ва изланиш услублари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалга умумий тасниф берилган ва қўлланилган изланиш услубларига тўхталиб ўтилган. Тадқиқотга 309 нафар беморнинг изланиш натижалари асос қилиб олинган бўлиб, улардан - 276 (89,3%) бемор – сил спондилити билан, 33 (10,7%) нафарига эса - умуртқа поғонасининг бошқа касалликлари билан хирургик даво ўтказилган. 108 беморда радикал – тикловчи амалиёт аутотрансплантат ишлатилган традицион-классик услубда, 201 – ҳолатда эса замонавий технологиялар қўлланилган

услугда хирургик даво ўтказилган. Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг барчаси ССВ қошидаги РИФ ва ПИАТМда 2012-2017 йй. да даволанган.

## 1-жадвал

### Беморларнинг жинси ва ёшига кўра тақсимланиши

Жинси	беморлар сони	19-29 ёш	30-39 Ёш	40-49 ёш	50-59 ёш	60 ёш ва Катталар
Эркаклар	163 (52,8%)	35 (11,3%)	36 (11,6%)	34 (11,0%)	31 (10,0%)	27 (8,7%)
Аёллар	146 (47,2%)	27 (8,7%)	24 (7,8%)	22 (7,1%)	48 (15,5%)	25 (8,1%)
Жами:	309 (100%)	62 (20,1%)	60 (19,4%)	56 (18,1%)	79 (25,6%)	52 (16,8%)

$\chi^2 = 8,8$ ; Критик мазмуни  $\chi^2$  агарда  $p < 0,05$  бўлса, 9,488 ни ташкил қилади. Факторли ва самарали белгилар орасидаги боғлиқлик статистик мазмунга эга эмас, мазмунга эгалик даражаси  $p > 0,05$ ;  $p = 0,066$ .

Беморларнинг ёши 19-81 ёш оралиғида бўлиб, ўртача ёш 43,9 года. №1 жадвалдан кўриниб турибдики, эркаклар 1,1 марта кўп учраган, беморларнинг 57,6%и 19-49 ёш оралиғида бўлган (меҳнатга лаёқатли ёшда), 25,6% - 50-59 ёш оралиғида (1:4) и 16,8% эса 60 ёшдан юқори, бир беморга 81 ёшда жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Аёллардан кўпроқ 50-59 ёш оралиғида жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

## 2-жадвал

### Умуртқа силининг локализацияси

Локализацияси	Жинси	Беморлар сони	%	Жами
Бўйин	эркак	3	1,1%	7 (2,5%)
	Аёл	4	1,4%	
Бўйин-кўкрак	эркак	3	1,1%	3 (1,1%)
	Аёл	0	-	
Кўкрак	эркак	19	6,9%	48 (17,4%)
	Аёл	29	10,5%	
Кўкрак-бел	эркак	12	4,4%	22 (8,0%)
	Аёл	10	3,6%	
Бел	эркак	89	32,2%	161 (58,3%)
	Аёл	72	26,1%	
Бел-думғаза	эркак	16	5,8%	31 (11,2%)
	Аёл	15	5,4%	
Думғаза	эркак	1	0,4%	3 (1,1%)
	Аёл	2	0,7%	
кўкрак+бел +думғаза	эркак	1	0,4%	1 (0,4%)
	Аёл	0	-	
Жами:	эркак	144	52,2%	276 (100%)
	Аёл	132	47,8%	

$\chi^2 = 8.062$ ; критик мазмун  $\chi^2$   $p < 0.05$  бўлганда 14.067 ни ташкил қилади; факторли ва самарали белгилар орасидаги боғлиқлик статистик мазмунга эга эмас, мазмунлилик даражаси  $p > 0,05$ .

Аксарият сил спондилити билан беморларда касалликнинг тарқалиш

локализациясига қараб, умуртқа поғонасининг битта соҳасида зарарланиш – 219(79,3%), иккита соҳасида - 56(19,2%), учта соҳасида - 1 (0,4%) ҳолатда аниқланди. 2.2 - жадвалдан кўриниб турибдики, кўп ҳолларда силдан зарарланиш бел умуртқаларида – 161(58,3%), кўкрак умуртқаларида – 48(17,4%) ҳолатларда, кам ҳолатларда эса – думғаза умуртқаларида 3(1,1%) беморда кузатилган, чунки думғаза умуртқалари ўзаро ва тос суяклари билан бирикиб ҳаракатсиз бўлади.

Назоратимиз остида сил касаллиги бўлмаган беморлар гуруҳи бўлиб, уларда ҳам жарроҳлик амалиётлари ўтказилган. Бу гуруҳ беморлари сил спондилитига гумон қилиниб, касалхонага ётқизилган, бунда 33(10,7%) ҳолат бўлиб, ундан 20(6,5%) ҳолатда онкопатология ва 13(4,2%) беморда эса умуртқаларнинг носпецифический спондилити ташхиси тасдиқланди.

Генерализациялашган сил - 118 (40,4±4,1%) ҳолатда аниқланди, бунда умуртқа ва бошқа аъзоларнинг фаол сили бир вақтда келган бўлиб, нафас аъзолари сили билан бир вақтда зарарланиш - 91(77,1%) ва бошқа аъзолар билан зарарланиш - 27(22,9%) беморда тасдиқланди.

### 3-жадвал

#### Генерализациялашган сил

Силнинг формалари	Беморлар сони	
	абс.с.	%
Ўчоқли ўпка сили + сил спондилити (СС)	42	35,6±4,5
Ўпканинг инфилтратив сили + СС	21	17,8±2,2
Ўпканинг диссеминациялашган сили + СС	12	10,2±4,8
Ўпканинг ковакли сили (ЎКС)+ (СС)	3	2,5±1,5
ЎКС+сийдик-таносил аъзолари сили(СТАС)+ СС	2	1,7±1,3
СТАС + СС	8	6,8±2,3
Суяк-бўғим сили + сил спондилити (кўп аъзоли сил)	12	10,2±4,8
Периферик лимфа тугунлари сили (ПЛТС) + сил спондилити	7	5,9±1,2
Ўпканинг ўчоқли сили + кўз сили +СС	1	0,8±0,2
Экссудатив плеврит + СС	7	5,9±2,1
ПЛТС +ўпканинг ўчоқли сили + СС	3	2,5±1,5
Жами:	118	100%

Балғам билан сил микобактериясининг (СМБ) ажралиши - 57 (62,6±2,7%), сийдик билан эса – 8 (2,9±1,1%) ҳолатда қайд этилди.

Бир беморда кузатувнинг 4,5 - ойида кўз сили тасдиқланди.

Рентгенологик, МРТ, МСКТ текширувларда кифотик деформация – 97 (35,2%) ҳолатда аниқланди. Барча беморларда комплекс диагностик текширувлар: клиник-лаборатор (қоннинг умумий ва биохимик таҳлили,





Тадқиқотдан олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2016 программа пакети ёрдамида Pentium-IV персонал компютерида статистик ишлов берилди.

Учинчи боб «сил спондилитининг клиник кечишининг ўзига хослиги ва традицион амалиётларни қўллаганда комплекс давонинг самарадорлиги» ни ўрганишга бағишланган.

Умуртқа сили секин кам клиник белгилар билан ривожланади, бошланиш, қўзғалиш ва тинчланиш давлари билан намоён бўлади. Клиник кечишида учлик – «Потт» симптоми устунлик қилади: спинал синдром, букрилик ва абсцесс. Касаллик секинлик билан 1 йилдан ортиқ вақт давомида ривожланган – 136 (49,3±3,2%) беморда, кундан-кун умуртқада оғриқ кучайиши кузатилган, тана ҳароратининг баъзида субфебрил бўлиши ва орқа мия фаолиятининг бузилиш белгилари кўшилган. Касалликнинг ўткир ости кечиши охириги 6 ойда кучайиши, умуртқада оғриқ, субфебрил температура ва тунги терлаш – 92 (33,3±1,7%) беморда, 48 (17,4±2,6%) беморда эса касалликнинг клиник кўриниши ўткир бўлиб, тана ҳароратининг 38,0<sup>0</sup>С дан кўтарилиши, интоксикация белгилари, тана вазнининг 10% дан ортиқ камайиши, кучайиб борувчи оғриқ симптоми ва орқа мия фаолиятининг бузилишлари кузатилди. Бунда умуртқанин 2 ёки ундан ортиқ танасида чуқур деструкция ва ностабиллик, эпидурал, пара ва превертебрал абсцесслар аниқланди.

Шикоятларнинг муддати диагноз қўйилгунга қадар 4-5 ойдан 5 йилгача, ўртача - 9 ойни ташкил қилди. Беморларнинг асосий шикоятлари тана ҳароратининг кўтарилиши, терлаш – 149(54,0±4,0%), жароҳат соҳасида оғриқ иррадиация билан – 100%, озиш – 157(56,9%±3,1%), ҳарактда оғриқнинг кучайиши – 265(96,0%±4,0), неврологик бузилишлар: пастки парепарез, пастки параплегия, кичик чанок аъзолари фаолиятининг бузилиши (нейроген сийдик пуфаги: дизурия, ишурия, ич қотиш) – 74 (26,8%) беморда кузатилди.

Ёндош касалликлари бўлган беморларда касалликнинг клиник кечиши кучлироқ ва оғирроқ кечади. Бу тоифадаги беморларда клиник симптомлар ва лаборатор таҳлил натижалари ўзига хос бўлиб, диагноз қўйишда мушкулликлар кузатилади.

Ёндош касалликлардан юрак - қон томир касаликлари - 60,1% ҳолатда, гепатобилиар тизим – 18,5% беморда кузатилди, бундай беморларда силга қарши даво ўтказишда ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Бундай тоифадаги беморларни даволашда ортопедик, ётоқ режими муҳим ўрин тутди, чунки умуртқада стабил ҳолат фиксация бўлиши ижобий ўзгаришлар беради, аммо бунда тромб ҳосил бўлиш хавфи кучаяди. Қандли диабет -5,2% ва ОИВ -3,5% билан касалланган беморларда касаллик кечиши одатда кам клиник белгилар билан бошланиб, кейинчалик даволаш қийин бўлган оғир асоратларга олиб келади. Бу беморлар керакли мутахассис билан биргаликда даволанди. 309 беморни касаллик тарихи таҳлил қилинганда, шундан - 272(88,0%) нафари бирламчи даврда турар жойидаги поликлиникаларга ёки нофтизиатрик муассасаларга мурожаат қилишган. Шундан - 208 (76,5%) ҳолатда но

специфик даво олган бўлиб, 21(10,1%) бемор стационар, 187(89,9%) таси эса – амбулатор шароитда даволанган: умуртқа остеохондрози – 86(46,0%), протрузия ва диск чурраси – 67(35,8%) ва миозит-дорсальгия – 19(10,2%) диагнозлари қўйилган, ҳамда шуларнинг ичида умуртқа силдан ташқари остеопороз фонидаги компрессион синиш – у 6(3,2%), ўсма ёки МТС – 4(2,1%), дицит – 3(1,6%), но специфик спондилит – 2(1,1%) каби диагнозлар аниқланган. 84(40,4%) беморга физиотерапевтик даво, 151(72,6%) – антибиотикотерапия, оғриқ қолдириш мақсадида блокадалар глюкокортикостероидлар билан (гидрокортизон, дексаметазон, дипроспан) – 36 (17,3%), биостимуляторлар (алоэ, фибс) – 47(22,6%), витаминлар (С,В<sub>1</sub>,В<sub>6</sub>,В<sub>12</sub>,РР) – 164 (78,9%), ҳамда ностероид яллиғланишга қарши препаратлар (диклофенак, нимесил, кетопрофен, фаниган, ортофен), 28(13,5%) беморга эса мануал ва нинали рефлексотерапия ўтказилган. Но фтизиатрик стационарларда 21 бемор даволанган, шундан - 11(52,4%) ҳолатда хирургик даво қўлланилган. Нейрохирург ва ортопедлар томонидан қуйидаги амалиётлар бажарилган: микродискэктомия – 27,3%, ламинэктомия ва транспедикуляр фиксация – 27,3%, микродискэктомия ва таналараро кейдж билан фиксация - 18,2%, цементли корпоропластика – 18,2% ва умуртқалараро дискни миниинвазив лазерли вапоризацияси - 9,1%. Юқорида нофтизиатрик касалхоналарда бажарилган амалиётлар беморнинг умумий аҳволини ўртача 1,5 ой мобайнида бироз яхшилаган, сўнг аҳвол ёмонлашган, тана ҳарорати кўтарилган, оғриқ симптоми кучайган, тунги терлаш пайдо бўлган.

5-жадвал

**Сил спондилитида қайта бажарилган жарроҳлик амалиётлари**

Амалиёт тури	Сони	%
Транспедикуляр металлоконструкцияни (ТПМ) олиш, абсцессонекрэктомия, орқа мия декомпрессияси, аутоосуякли спондилодез	2	18,2
ТПМни олиш, абсцессонекрэктомия, орқа мия декомпрессияси, титан тўрли кейдж + аутоосуяк билан спондилодез	1	9,1
Абсцессонекрэктомия, орқа мия декомпрессияси, титан тўрли кейдж + аутоосуяк билан спондилодез	2	18,2
Абсцессонекрэктомия, орқа мия декомпрессияси, аутоосуяк билан спондилодез	1	9,1
Абсцессонекрэктомия, орқа мия декомпрессияси, титан тўрли кейдж + аутоосуяк + оссеин-гидроксиапатитли бирикма билан спондилодез	2	18,2
Таналараро кейджни олиш, абсцессонекрэктомия, орқа мия декомпрессияси, титан тўрли кейдж + аутоосуяк + оссеин-гидроксиапатитли бирикма билан спондилодез	2	18,2

Таналараро кейджни олиш, абсцессонекрэктомия, аутосуяк билан спондилодез	1	9,1
<b>жами:</b>	<b>11</b>	<b>100</b>

МРТ ёки МСКТ текшируви ўтказилганда сил спондилитига гумон қилинган ва Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказига юборилган, ҳамда бу ерда комплекс клинко-инструментал текширувлар, силга қарши даво ва хирургик амалиёт ўтказилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, қайта ўтказилган амалиётларнинг ҳажми катталашган ва травматик бўлган. Барча амалиётлар беморни тайёрлаб, олд ёнбош кесим орқали бажарилган. Одатдаги амалиётлар билан солиштирилганда амалиёт давомийлиги ўртача 120 минут, қон кетиш миқдори ўртача 250 мл га кўпайган.

Умуртқа поғонаси патологияси клинко-рентгенологик кўринишлари мураккаб бўлганлиги сабабли, сил касаллиги ташхиси билан баъзида бошқа касалликлар билан фтизиатрик касалхоналарда ётқизилган ҳолатлари учраб туради. Диагноз верификацияси учун очик биопсия амалиёти зарур, бунинг учун беморни амалиётга тайёрлаш ва олинган материални гистологик текшириш учун камида 1-2 ҳафта вақт керак бўлади. 309 бемордан - 33(10,7%) нафаридан сил бўлмаган касаллик аниқланди, ундан аёллар – 23(69,7%), эркаклар эса – 10(30,3%) нафар.

Умуртқа сили диагнози тасдиқланган 276 бемордан - 30(10,9%) тасида диагностик хатоликлар 4,2% ҳолатда гистологик, 3,9% - МРТ, КТ ёки рентгенологик текширувда, 2,2% ҳолатда эса ҳам гистологик ҳам нур диагностика усуллари натижаларини хулосалашда турли мутахассислар томонидан РИФ ва ПИАТМ шароитида йўл қўйилган. Сил спондилити тери синамалари (диаскинтест) – 5 нафар беморда, ПЦР диагностика (GenExpert) - 8, HAIN test – 1, қайта амалиётдан кейин 2 ҳолатда MDR - турғун форма, 8 ҳолатда гистологик, 6 ҳолатда генерализациялашган сил (СС + ўпка сили) тасдиқланди ва стандартларга асосланиб даво берилди.

108(34,9%) беморга аутосуяк билан спондилодезлаб традицион-классик услубда радикал-тикловчи амалиётлар бажарилган. 30(31,2%) ҳолатда амалиёт кесими вақтида олинган қовурға билан спондилодез қилинган. 63(65,6%) беморда аутотрансплантат ёнбош суяги қанотидан традицион усулда олинган, 3(3,2%) беморда эса – думғаза суякларидан йиринг ва некротик тўқималар олинган, аммо аутопластикага эҳтиёж бўлмаган. Амалиёт давомийлиги 2-3 соат, ўртача 2 соат 30 минут. Қон йўқотиш ҳажми 250-500 мл, ўртача 300 млни ташкил қилди. Аутосуякли спондилодезлашнинг ўзига хос ютуқлари ва камчиликлари мавжуд. Ижобий томонларидан иқтисодий томондан “харажатсиз”, организм томонидан қабул қилмаслик, аллергия ҳолатлар, иммун реакциялар каби ножўя таъсирлар кузатилмайди. Бироқ, юқоридаги ижобий томонларига қарамасдан камчиликлари ҳам етарли аниқланди.

Радикал-тикловчи амалиётларнинг аутосуяк билан спондилодез

қилингандаги яқин ва узоқлашган натижалари таҳлил қилинди. Унда камчиликлар ва асоратлар етарли бўлиб, бемор узоқ вақт қийналади ва ногиронликка олиб келади.




1-расм. Аутосуякли спондилодезнинг асоратлари.

Тўртинчи бўлим сил спондилитида титан тўрли кейджни қўллаб «Комбинирлашган спондилодезда миниинвазив услубда аутотрансплантат олиш усуллари ишлаб чиқиш» га бағишланади.


Титан тўрли кейджнинг ичини тўлдириш мақсадида - 28(100%) беморда миниинвазив услубда ёнбош суяги қанотидан аутотрансплантат олинган: бел умуртқалари – 21(75,0%), бел-думғаза соҳаси – 7 (25,0%). Традицион-классик амалиётларда ёнбош суяги қанотидан аутосуякли трансплантат олиш - 20-30 минутни, қон йўқотиш эса - 100 млн ташкил қилади. Миниинвазив амалиётларда амалиёт давомийлиги 10 – 15 дақиқага сезиларли камаяди, қон йўқотиш эса - 30-40 мл га камаяди. Радикал-тикловчи амалиёт давомийлиги ўртача 2 соат 15 дақиқага қисқарди, қон кетиш ҳажми эса - ўртача 300 млга камайди. Титан тўрли кейдж бемордан олинган аутосуяк билан тўлдирилади. Кўкрак умуртқаларидан бошқа соҳаларни тиклашда аутосуяк ёнбош суяги қанотидан олинади. 28 бемордан - 17 (60,7%) амалиёт битта кесим билан, 11 (40,3%) ҳолатда эса ёнбош суяги қаноти устидан қўшимча кесим бажарилди.

9 (32,1%) беморда аутосуяк ёнбош суяги қаноти ички ва ташқи атроф юмшоқ тўқималарини (мушак, суяк усти пардаси) ажратмасдан, параллелепипед шаклида олинди ва piramesh ичи тўлдирилади. Ёнбош суяги ён деворлари зарарланмайди.



**2-расм. Ёнбош суяги ён деворларининг бутунлигини бузмасдан атроф юмшоқ тўқималарни ажратмасдан кортикал-мағз аутотрансплантат олиш (трансплантат кўриниши параллелепипед шаклида).**

12(42,9%) беморда аутосуяк олиш миниинвазив иккинчи услубда бажарилган: ёнбош суяги қаноти юқори юзаси минимал 1,5-2,0 см кесим билан очилгач, атроф тўқималарни ажратмасдан 2,0 x 0,8 см ёки 2,5 x 1,0 катталиқдаги туйнук очилиб, Фолькман қошиқчаси еки скребок билан суякнинг мағз қисми олинади.



**3-расм. Суякнинг мағз қисмини скребок ёки суяк қошиғи билан олиш.**

7 (25,0%) ҳолатда ёнбош суягининг қанотидан миниинвазив амалиётнинг учинчи услубида аутосуяк олинган, 1,0-1,5 см тери кесими билан, ёнбош суяги қаноти юқори юзаси очилгач, атроф тўқималарни ажратмасдан цилиндрсимон 0,8; 1,0 см диаметрли ковак фреза ёрдамида суякнинг мағз қисми олинади ва кейдж ичи тўлдирилади.



**4-расм. Суякнинг мағз қисмини цилиндрсимон ковак фреза билан олиш.**

Олинган аутосуяк цилиндрсимон титан тўрли кейдж ичига жойлаштирилади.



**5-расм. Титан тўрли кейдж (piramesh) аутосуяк билан тўлдирилган: (чапда) параллелепипед шаклида ва (ўнгда) суяк бўлакчалари билан.**

Амалиётдан кейинги даврда биринчи гуруҳ беморларида - трансплантат параллелепипед шаклида олинган оғриқ ва «донор соҳа»даги дискомфорт 12 кунгача, иккинчи ва учинчи гуруҳда эса 5-7 кунга давом этди. Бу хилдаги ауто трансплатат олиш амалиётлари кичик кесим, кам қон йўқотиш орқали ва 8-10 дақиқада бажарилади. Амалиётдан кейинги яра бирламчи битди асоратлар кузатилмади.

Хирургик даво натижаларини яхшилаш ва амалиётдан кейинги жароҳатларни камайтириш мақсадида ауто суяк бўлакларини умуртқанинг амалиёт ўтказилган соҳасидан 77 беморда олинди. Улардан 59 (76,6%) ҳолатда бел, 15 (19,5%) – бел-думғаза, 3 (3,9%) ҳолатда эса бўйин умуртқаларида амалиёт шу усулда бажарилди. Жарроҳлик амалиёти битта кесим билан, бошқа суякларда донорлик қўшимча травмаларисиз бажарилди. Амалиёт давомийлиги 25-40 минутга қисқарди, наркоз вақти ва дорилари сарфи камайди, ҳамда амалиёт мобайнида кетадиган қон ҳажми 100-120 млга камайди.

Амалиёт ўтказилган соҳадан олинган суяк бактериологик текширилди, чунки операция қилинган умуртқа сегментидан олинган суяк бўлакчаларини ауто трансплантат сифатида ишлатса бўлишини аниқлаш мақсад қилинди ва 43 беморда текширилди. 36(83,7%) беморда текшириш 2 мартадан, 7(16,3%) беморда бир мартадан, жами – 79(100%) текширув ўтказилди. 32(40,5%) нафар текшириляётган суяк умуртқа танасининг соғлом қисмидан, 47(59,5%) эса касалланган соҳадан олинди. Олинган суяк кимёвий ишлов берилди, 31(75,6%) ҳолатда - 0,05% хлоргексидин эритмаси билан, 7 (17,1%) - 3% ли перекис водород билан, 3(7,3%) ҳолатда эса – 96% ли этил спирт билан, шундан сўнг Циль-Нельсон усулида бактериоскопик текширилди.

2,5% ҳолатда микобактерия топилди, ундан 2,6% - кимёвий ишлов берилмаган суякда; 14,3% - 3% ли перекись водород билан ишлов берилган. Микроскопик текширув сезгирлиги суяк тўқимасини текширганда – 2,5%, махсуслиги – 97,5% эканлиги аниқланди.

13(16,5%) суяк тўқимаси, замонавий цитогенетик усулда ПЦР диагностика GenExpert аппаратида текширилди. Улардан - 6(46,2%) ҳолатда СМБ аниқланди, 7,7% ҳолатда эса СМБ нинг рифампицинга чидамли тури – MDR тури тасдиқланди. Суяк тўқимаси кимёвий ишловсиз - 44,4% ва кимёвий ишлов берилганда - 66,6% беморда СМБ борлиги аниқланди. Сезгирлик цитогенетик усулнинг GenExpert аппаратида – 46,2%, махсуслик –

53,8% ни ташкил қилди.

Бактериологик текширувнинг молекуляр-генетик услубида – ПЦР диагностикаси HAIN–test аппаратида 6 беморда ўтказилганда, 3 (50,0%) ҳолатда СМБ ижобий натижа, бунда барча ҳолатларда силнинг дориларга чидамли турғун - MDR тури аниқланди. Суяк тўқимасини молекуляр - генетик услубида - HAIN–test (FL-LPA) аппаратида текширилганда сезгирлик ва махсуслик – 50% ни ташкил қилди.

Суяк тўқимасини бактериологик текширувда экиш усули, қаттиқ – Левенштейн – Йенсен муҳитида - 77(100%) беморда ўтказилди, натижалари ўртача 42 кунда аниқ бўлди. Бунда - 66(85,7%) беморда СМБ ўсмади, 9 (11,7%) – СМБ ўсди, 2(2,6%) ҳолатда эса микроорганизмлар контаминация кузатилди. Сезгирлик бу услубида – 11,7%, махсуслик эса – 85,7% ни ташкил қилди.

Суяк тўқимасини бактериологик текширув автоматлаштирилган тизимли суяк муҳитли MGIT BACTEC-960 услубида 51 беморда ўтказилди, натижалар ўртача 28 кунда чиқди, бунда - 49(96,1%) ҳолатда СМБ манфий, 2(3,9%) ҳолатда эса СМБ ижобий натижа берди. Сезгирлик бу услубида – 3,9%, махсуслик – 96,1% ни ташкил қилди.

Умуртқанинг амалиёт ўтказилган соҳасидан олинган суяк тўқимасини турли бактериологик услубларда текширилганда энг самарали услуб – молекуляр-генетик услуб самарадор эканлиги ўз тасдиғини топди.

Бешинчи бобда «Сил спондилитида титан тўрли кейджни қўллаш» услубларига бағишланади.

Сил спондилити билан 180 беморда радикал-тикловчи амалиёт титан тўрли кейджни қўллаб замонавий амалиёт ўтказилган. Барча беморларда операция олди тайёргарлик ва силга қарши даво 20-35 кун, ўртача 25 кун мобайнида ўтказилган. Бу турдаги амалиётлар умуртқа поғонасининг барча бўлимларида ўтказилди.

#### 6-жадвал

##### Амалиётларнинг локализациясига кўра тақсимланиши

Умуртқа бўлимлари	Беморлар сони	%
Бўйин	6	3,3±2,16%
Бўйин-кўкрак	3	1,7±4,33%
Кўкрак	36	20,0±0,36%
Кўкрак-бел	8	4,4±1,62%
Бел	109	60,6±0,11%
Бел – думғаза	18	10,0±0,72%
<b>Жами:</b>	<b>180</b>	<b>100%</b>

Жадвалдан кўришиб турибдики, кўпроқ амалиётлар бел умуртқаларида – 109 (60,6%), кўкрак – 36 (20,0%), кам ҳолатларда эса бўйин-кўкрак – 3 (1,7%) ва бўйин соҳаларида – 6 (3,3 %) бажарилган.


#### 7-жадвал

##### Беморларнинг келган вақтидаги неврологик ҳолатини баҳолаш

Даража	Клиник белгилар	Беморлар сони
<b>A</b>	Жараён соҳаси пастки қисмида анестезия ва плегия бўлган беморлар	1 (0,5%)
<b>B</b>	Жараёндан пастки соҳаларда сезги нотўлиқ бўзилган, ҳаракат йўқ	9 (5,0%)
<b>C</b>	Жараёндан пастки соҳаларда сезги нотўлиқ бўзилган, ҳаракатлар бор, аммо мушакларнинг кучи юриш учун етишмайди	21 (11,7%)
<b>D</b>	Жараёндан пастки соҳаларда сезги нотўлиқ бўзилган, суст ҳаракатлар бор, беморга ёрдам берилса, юра олади	56 (31,1%)
<b>E</b>	Жараёндан пастки соҳаларда сезги ва ҳаракат бўзилмаган, рефлексларда ўзгаришлар кузатилиши мумкин	54 (30,0%)
<b>R</b>	Илдизли симптом белгилари кузатилади	39 (21,7%)

Жадвалдан кўриниб турибдики, 48,3% бемор клиникага оғир ҳолатда – чуқур спинал бузилишлар билан қабул қилинган, 21,7% ҳолатда эса илдизли синдром кузатилган ва иш фаолиятига яроқсиз бўлган. Оғриқ симптоми F.Denis услубида баҳоланди: 0 балл - йўқ; 1 балл – 14 (7,7%), 2 балл – 27 (15,0%), 3 балл – 139 (77,2%), 4 балл - йўқ.

Силга қарши зарур даво ўтказилиб, сўнг радикал-тикловчи амалиёт ўтказилди. Амалиёт кўкрак, кўкрак-бел, бел ва бел-думғаза умуртқаларида олд-ёнбош кесим билан бажарилди. Кўкрак умуртқалари танасида амалиёт транс плеврал – 24 (13,3%) беморда, экстра плеврал – 12 (6,7%); кўкрак-бел умуртқаларида – торокодиафрагмал–8 (4,4%), бел ва бел-думғаза соҳасида – қорин парда ташқари услубида – 127 (70,6%) беморда, бўйин ва бўйин-кўкрак умуртқаларининг танасига – чап томонлама олд - Буркхардт кесими билан – 9 (5,0%) беморда бажарилди. Кўкрак, кўкрак-бел, бел ва бел-думғаза умуртқаларида амалиёт бажариш учун беморлар ёнбошига, бўйин ва бўйин-кўкрак умуртқаларида эса орқаси билан ётқизилди. 3(1,7%) беморда радикал-тикловчи амалиётда титан тўрли сетка бир вақтда икки жойга – билокал: 2 – бел ва 1 ҳолатда кўкрак умуртқаларига ўрнатилди.



**6-расм. Титан тўрли кейдж ўрнатиш амалиётининг схематик, интраоперацион ва рентген суратда кўриниши.**

Хирургик даво натижалари амалиётнинг радикал ва спондилодезнинг стабил эканлигига боғлиқ. Жараён чегараланган бўлса, кўп ҳолатда натижа радикал ва самарали бўлади. 102 (56,7%) беморда 1-2 умуртқа танаси



